Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

6 сентябрь, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 187 (1704)


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 сентябрь куни Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо раҳбарлигидаги ушбу мамлакат ҳукумати делегацияси ҳамда «Кейзай Доюкай» -- япон корпорациялари раҳбарлари уюшмаси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов ҳар икки делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи Ўзбекистон-Япония муносабатларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Таро Асо ҳамда унга ҳамроҳлик қилувчи расмий кишилар, шунингдек, йирик банклар, фирма ва компаниялар, илмий-тадқиқот институтлари вакилларининг мамлакатимизга келиши Японияда Ўзбекистонга қизиқиш тобора ўсиб бораётганидан дарак беришини алоҳида қайд этди.

-- Япония нафақат иқтисодий, балки катта ақлий ва маънавий салоҳиятга эга, -- деди Президент Ислом Каримов.-- Биз бу мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш тарафдоримиз.

Японялик меҳмонлар самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида ўзаро сармояларни ҳимоялаш, икки томонлама солиқ олмаслик борасида келишувга эришиш, умуман, Ўзбекистон билан Япониянинг тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратиш, мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳукумат, вазирлик ва идоралар, балки корхона ва ташкилотлар, ишбилармонлар даражасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, К. Раҳимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, молия вазири Ж. Сайфиддинов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА).

**СУРАТДА:** *қабул пайти.*
**С. ЗУФАРОВ олган сурат.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан захирага бўшатилсин.

2. 1970-1979 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1997 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 5 сентябрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий судининг айрим судьяларини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

**ИБОДОВ** Диёрбек Сатторович

**ПЎЛАТОВ** Абдусамад Аҳадович

**СОАТОВ** Ойбек Асомович

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 август.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг айрим судьяларини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

**АСЬЯНОВ** Шамиль Мударисович

**ЕСЕМУРАТОВ** Избасар Айтжанович

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 август.

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ...



***Жонажон Ўзбекистон аҳли муқаддас айём -- давлатимиз Мустақиллигининг олти йиллик байрамини ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда нишонлади. Пойтахтимиз Тошкентда, вилоят марказлари, шаҳар ва қишлоқларда карнай-сурнай садолари Истиқлолимизни бутун оламга яна бир карра овоза этди.***

Халқ сайллари, томошалар бўлди, саховатли заминимиз неъматлари ярмаркаларни бойитди, дошқозонлар осилди. Энг муҳими, бу тантана, шодиёна халқимиз онгида, дунёқарашида улкан ўзгаришлар зоҳир бўлаётганидан, мустақиллик одамлар ҳаётининг мазмунига айланаётганидан дарак берди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Чунки истиқлолни жондан азиз билганларни қўя турайлик, ҳатто мустақиллик бизга нима берди, деганлар ҳам ўз саволларига ҳаётда жавоб топа бошладилар. Зеро...

Она... Ватан... Нон... Бу сўзлар шу қадар бир-биридан азиз, бир-биридан муқаддаски, қай бирини аввал ёзишни билмай қийналасан. Зеро, Она -- Яратганнинг иродаси ила сени дунёга келтирган зоти мукаррама бўлса, Ватан -- киндик қонинг тўкилган муборак замин, ҳаётнинг бешиги, Нон эса -- ризқи-рўзинг тимсолидир. Бошқача айтганда, улар Инсон ҳаётининг энг зарур манбаи, тирикликнинг зарур шартидир.

Президент Ислом Каримов жамият ҳаётини сиёсий, иқтисодий ислоҳ қилиш, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқар экан, ана шу ҳақиқатни доимо диққат марказида тутган бўлса, ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбари шўро давридаёқ ишни одамларга томорқа ажратиб беришдан бошлади. Чунки ер участкаси, ҳовли -- ҳам мулк, ҳам катта Ватаннинг мўъжаз кўриниши, ҳам тирикчилик, ризқ-рўз манбаидир.

Президент шўро салтанати парокандаликка юз тутиб, хўжалик издан чиқиб, пул қадрсизланиши, тақчиллик бошланган пайтда мактабларнинг 1 — 4-синф ўқувчиларига бепул нонушта беришни йўлга қўйди. Бу энг ҳимояга муҳтож табақа -- болаларнинг чин маънода бошини силаш эди.

Юртбошимиз халқимиз олдига ғалла, нефть мустақиллигига эришиш вазифасини қўйди. Бу ҳаётий масаланинг моҳиятини тушунмаганларга нисбатан қаттиқ турди. Мана, бугунга келиб бу мақсадларга эришдик.

Йўлбошчимиз ўзлигимизни англашга, не улуғ зотларнинг фарзандлари эканимизни ҳис этишга, буюк қадриятларимизни тиклаб, ҳурматлашга, маънавиятимизни юксалтиришга ундади. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Энг муҳими, бу ишларнинг барчаси инсон манфаатини кўзлаб, ватандошларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётини яхшилаш мақсадида амалга оширилди.

Булар мустақиллик йиллари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган тарихий ишларнинг бир қисми, холос. Биз бу ерда бунёд этилган юзлаб биноларни, спорт иншоотларини, пойтахтимиз Тошкент, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгарганини айтиб ўтирмадик. Фақат шуни айтмоқчимизки, бу ишларни мустақиллик шарофати билангина амалга ошириш мумкин бўлди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қўшимча иккита синф хонаси қуриш учун ҳам марказдан рухсат олинадиган эски замонда «ЎзДЭУавто»дек автомобиль заводини қуриб бўлармиди? Боз устига, Жанубий Кореядек капиталистик давлат билан ҳамкорликда-я?

-- Шўро замонида бизнинг табиий бойликларимизни, пахта ва бошқа маҳсулотлардан келадиган даромадларни талаб келишганига энди ишондим, -- деб қолди бир дўстим. -- Нега десангиз, мана шу ўтиш даври деб аталган, маблағ тақчил, мураккаб шароитда қандай бинолар қад кўтарди: «Юнусобод» теннис мажмуи, «Меридиан», «Интер континенталь», Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхоналари... Агар бир ярим аср истибдод остида бўлмаганимизда, уёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Мен мустақилликни қадрлаш деганда, эркин-озодликни, миллий ғурурни, қолаверса, у берган мана шу имкониятларни тушунаман!

Яна байрам тантанасига қайтсак.

Эсимда, илгари ҳам байрамларга, парад -- намойишга тайёргарлик кўриларди. Ҳар бир туман, ташкилот ёки корхонага парадда қатнашувчилар сони «юқори»дан белгилаб бериларди. Бошқача айтганда, «Парадга шунча одам олиб чиқасан», деб топшириқ бериларди. Одамлар буни хоҳлайдими-йўқми, ҳеч ким қизиқмасди. Парадга чиқмаганлар тегишли жазосини оларди. Кейин камида бир ой мобайнида қачон «Ура!» дея қичқириш машқ қилинарди...

Хизмат тақозосига кўра 1 сентябрь -- Мустақиллик байрамимиз куни ҳам ишлашга тўғри келди. Кечқурун кўчага чиқсам, дарё-дарё одам: турли ёшдаги, турли миллат вакиллари тўп-тўп бўлиб, жажжи болаларни етаклаб сайр қилиб юришибди. Уларнинг юз-чеҳраларидан қувонч, бу кунлар севинчи, демакки, Истиқлолни қадрлаш, эъзозлаш ҳисси сезилиб турар эди. Мен ҳам пиёдалаб кетдим. Улкан салтанатда бошбошдоқлик авжига чиққан йилларда одамлар остона ҳатлаб кўчага чиқа олмай қолган кунларни эслаб, бугунги кунга етганимиз учун шукрона айтдим. Уйга келиб телевизорни қўйсам, шу куни миллион-миллион одам -- гўё бутун Ўзбекистон кўчага чиқибди. Истиқлол кунини нишонлабди. Қувончли жойи шундаки, бу сайл, бу намойиш илгаригидек «ташкил» этилмаган, балки ҳамюртларимиз мустақиллик аталмиш буюк неъматга ўз муносабатини шу тариқа ифода этганлар. Бошқача айтганда, бу мустақиллик қадри ватандошларимизнинг қалбига тобора теран сингиб бораётганидан, улар Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллатни миллат, халқни халқ қиладиган мустақиллик эканини ҳис этганларидан ёрқин бир далолатдир.

Зотан, Ватан, инсон қанча улуғ ва мўътабар бўлса, унинг мустақиллиги, озодлиги, эрки шунча азиз ва қадрлидир.

Она... Ватан... Нон... Бирбиридан азиз, бир-биридан муқаддас бу сўзлар қаторига яна бир сўзни қўшиб қўйгим келди:

Мустақиллик...

**Аҳмад ХЎЖА**
**(ЎзА).**

## «ШАРҚДАН КЕЛИБ, ШАРҚҚА КЕТЯПМИЗ»



**Самарқанд. Регистон майдони. 26 август. Соат 19.00.**

Шом тушган. Лекин қоронғулик йўқ. Осмонга қарайсиз. Юлдузлар бирам ёришиб кетганки, гўё улар қадим шаҳар устига ёпирилиб келгандай. Тўрт тараф ёп-ёруғ -- қуёшли кундай.

Регистонга бутун Шарқ кўчиб келган, дейсиз. Бу муаззам манзилда бир неча минг йиллик тарих яширин. Обидаларга тил битса, Шарқнинг оловли ўтмишини сўйлаб юборарди. Хайриятки, омон-омон замонлар келиб, уларнинг қиёфаси, ўзлиги асраб қолинди. Бу кун Шарқ тарихида унутилмас сана бўлиб қолиши аён. «Шарқ тароналари» номини олган оламшумул мусиқа анжумани нафақат Ўзбекистон маданий ҳаётида, балки дунё миқёсида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган воқеадир.

Уч ярим минг кишилик амфитеатр саҳнасидан бошланган тантаналар, шубҳасиз, бутун Шарқ мамлакатлари халқлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Ва ўз навбатида Ғарбда ҳам, ҳатто Америка қитъасида ҳам акс садо берди. Бунинг исботини фестиваль очилган куни ва ундан кейин давом этган ижодий учрашувлардан, шунингдек, чет элларга бевосита Регистон майдонидан узатилган репортажлардан ҳам билиб олиш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Жаноби олийлари,*

*Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз, жаноби олийларига зўр мамнуният билан самимий қутловларимни йўллайман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, шахсан Сизга эсон-омонлик, Ўзбекистон халқига бахтли келажак тилаб, энг яхши истакларимни йўллайман.*

**Томас КЛЕСТИЛ,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами -- Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.*

*Молдова Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тарихан таркиб топган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаверишига аминман.*

*Кези келгандан фойдаланиб, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга ва Сиз орқали бутун ўзбек халқига юксак ҳурматимни маълум қилиб, тинчлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.*

*Ҳурмат билан,*

**Петру ЛУЧИНСКИ,**
**Молдова Республикаси Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Президент жаноблари!*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 6 йиллик байрами, шунингдек, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши арафасида Сизга табрик мактуби ёзаётганимдан беҳад хурсандман. «Чейз Манхэттен Банк»даги касбдошларим билан биргаликда Ўзбекистонда бўлаётган жуда кўп ижобий ўзгаришларни зўр қизиқиш билан кузатиб турибман. Биз Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг фойдаланишга топширилишини Ўзбекистон иқтисодий тараққиётидаги муҳим босқич, деб биламиз ва бу лойиҳада «Чейз Манхэттен Банк» иштирок этганидан фахрланамиз.*

*Сизга маълумки, банкимиз Ўзбекистонда бизнес ривожланиши истиқболига ишонч кўзи билан қараган илк банклардан бири бўлди, 1996 йилда Тошкентда ўз ваколатхонасини очди. Ҳозир ҳам республика иқтисодиётининг турли тармоқларидаги кўпгина лойиҳаларда иштирок этмоқда. Қулай фурсатдан фойдаланиб, банкимиз бундан буён ҳам Ўзбекистон билан амалий алоқаларни ривожлантиравережагини комил ишонч билан таъкидлашни истар эдим.*

*Сизни Мустақиллик байрами ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга тушиши муносабати билан яна бир бор табриклашга ижозат бергайсиз.*

*Эҳтиром билан,*

**Уолтер ШИПЛИ,**
**«Чейз Манхэттен Корпорейшн» бошқаруви раиси ва ижрочи директори.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини Қирғизистон Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман. Ушбу байрам кунида Сизга ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва эсон-омонлик, Ўзбекистон халқига эса бевосита Сизнинг раҳбарлигингиз остида тинч ва гуллаб-яшнаган келажакни барпо этишда муваффақият тилайман.*

*Ҳурмат билан,*

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ўзбекистоннинг Миллий байрами -- Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллайман.*

**Мартти АХТИСААРИ,**
**Финляндия Республикаси Президенти.**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб, самимий табригимизни йўллашни, Ўзбекистон халқига юксак тараққиёт ва равнақ тилаб, энг эзгу истакларимизни етказишни истар эдик.*

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони.**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

**Япониянинг иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо бошчилигидаги мазкур мамлакат ҳукумати делегацияси ҳамда «Кейзай Доюкай» -- япон корпорациялари раҳбарлари уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари 5 сентябрь куни Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашди.**

Музокараларда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, шу кунгача имзоланган қўшма ҳужжатларни тўла-тўкис амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлар алмашилди. Шунингдек, томонлар икки мамлакат ўртасида ҳаво алоқасини йўлга қўйиш борасида ҳам ўз фикрларини баён қилди.

Музокаралар сўнггида Ўзбекистон Республикасига Япония ҳукумати томонидан берилган грантлар бўйича алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлди. Ҳужжатларни Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосарлари А. Муҳиддинов А. Азизхўжаев, Япония томонидан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата имзолади.

Имзоланган ҳужжатларга кўра, Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари етказиб бериш учун 400 миллион иен, Ўзбекистон Давлат санъат музейи учун эса 38,8 миллион иен миқдорида маблағ ажратилади.

Музокараларда Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, молия вазири Ж. Сайфиддинов, миллий банк бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Япония делегацияларининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

* * *

Шу куни Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо раҳбарлигидаги делегация Марказий банкка ташриф буюрди. Суҳбат чоғида Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов ва Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов япониялик меҳмонларга мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Япониянинг молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

# «ШАРҚДАН КЕЛИБ, ШАРҚҚА КЕТЯПМИЗ»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Президентимиз фестивалнинг очилиш маросимидаги табрик сўзларида ЮНЕСКО вакилларини, Халқаро мусиқа кенгаши раҳбариятини, барча қатнашчиларни қутлар экан, «Шарқ мусиқаси -- Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисми» эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ва Самарқанд шаҳри «Шарқ тароналари» учун бежиз танланмаганлигини, қолаверса, не-не улуғ зотлар қадамлари теккан заминни бутун дунё ҳайрат ва ҳавас ила кузатаётганлигини айтдилар.

Юртбошимизнинг табригидан сўнг, ЮНЕСКО Маданият секторининг бош директори Креспо Торал, фестиваль танлов ҳайъати раиси, Токио университети профессори Харуми Кошиба хонимлар сўз олиб, анжуман иштирокчиларини қутладилар. Сўнг...

Яна ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Регистон узра: «Диққат! «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг байроғи кўтарилсин!» деган ҳайқириқ янгради. Ҳаяжонлар ҳайратга айланди. Минг-минглаб нигоҳлар «Буюк ипак йўли»га термулиб қолди...

Бир ҳафта кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Лекин бу лаҳзалар хотираларда абадий муҳрланди. Биз юқорида фестиваль очилиши билан боғлиқ жараёнларни бекорга эсламадик. Нега десангиз, бу тантаналарни ўз кўзи билан кўрган ҳар бир қатнашчи ёки меҳмон фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам, Америкада ҳам мумтоз оҳанглар, қўшиқларни жон дилидан севгувчи мухлисларга «Шарқ тароналари» ҳақида суюниб-суюниб сўзлаб бермоққа шошилдилар.

**Самарқанд. Регистон майдони. 1 сентябрь. Соат 19.00.**

Ўша кунги юлдузлар энди осмонда эмас, шундоққина Регистон саҳнасида чарақлаб, ўзидан мусиқий нур-оҳангларни таратиб турарди. Уларнинг ҳар бири битта дунё эди гўё.

Регистонга жимлик чўккан. Ҳамманинг юраги титроқда. «Кимлар ғолиб, кимлар совриндор бўлар экан?» деган ҳаяжонли ва хавотирли саволлар ўйга толдирарди. Ниҳоят...

Фестивалнинг энг олий мукофоти -- Гран-при озарбайжонлик йигирма икки ёшли Симара Имоновага насиб этди. Симаранинг кўзлари ёниб кетди саҳнада. Унинг ёнига биринчи ўрин соҳиблари -- соҳир овоз эгаси Муножат Йўлчиева (Ўзбекистон) ва Шаину Кхурана (Ҳиндистон)лар, кейин иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлганлар келишди. Улкан давра эса гулдурос қарсакларга, олқишларга кўмилиб кетди. Ғолибларнинг устозлари кўзларида ёш билан еру кўкка сиғмай қолишди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ниҳоясига етган бўлсада, унинг таъриф-тавсифи дунё бўйлаб тарқалди.

Аввалига бу анжуман ҳақида иккиланиброқ мулоҳаза юритган, узоқни кўролмаган айрим меҳмонлар охири Самарқандда Санъат дея аталган сеҳрли дунёнинг мўъжизавий рангларини, тилсимотларини кўриб, кўзларига ишонмадилар. Ҳатто Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда меъморий ансамбли, Бибихоним мадрасаси, Гўри Амир мақбараларини кино ё китоблардагина кўриб, ўқиб эшитган бўлсалар, энди асл Шарқнинг бетакрорлигини, уни эртаклардаги манзаралардан ҳам улуғворлигини ҳис қилдилар.

Дарвоқе, меҳмонлар Самарқандда бир-бирлари билан ҳеч айрилгилари келмай хайрлашишди. Чунки «Шарқ тароналари» уларни бирлаштирди, битта осмон остига тўплади. Кунчиқар мамлакат вакилларидан бири «Биз Шарқдан келдик, Шарққа кетаяпмиз», дея мезбонларга қўл силкиб хайрлашар экан, бу байрамнинг умри боқийлигини башорат қилгандай бўлди.



**Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.**

**Ислом КАРИМОВ.**

## САМАРҚАНД ЁШАРИБДИ

**Пўлат БУЛБУЛ ўғли, Озарбайжон Республикаси маданият вазири, «Турк-сой» халқаро ташкилоти бош директори, халқ артисти:**

- Кўриб, кўзларимга ишонмаяпман. Самарқандми, ё, эртаклардаги шаҳар бу! Очиғи, яқин орада бунчалар ҳайратга тушмаганман. Айниқса, бу фестиваль Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан айнан Самарқандда ўтказилиши ғоят эътиборли. Бу нафақат маданий-тарихий жиҳатдангина эмас, балки сиёсий томондан ҳам тўғри танланган.

Мазкур фестивалда Озарбайжондан машҳур қўшиқчи, «Гран-При» соҳибаси Симара Имонова, ижрочилар Замиг Алиев, Адолат Везировлар қатнашишди. Сир эмас, озар ва ўзбек халқларининг тарихи, дини, тили, маданияти бир. Куй ва қўшиқларининг ҳамоҳанглигини айтиб ўтиришим шарт эмас. Шунинг учун ҳам мен Самарқанд кўчаларида эшитган қўшиқлар юрагимга жуда яқин.

Тан олиш керак, Самарқандда ўтказилган бундай нуфузли фестиваль нафақат Шарқу Ғарбни маданий жиҳатдангина яқинлаштирди, балки уларни барча соҳаларда бирлаштирди. Маълумки, Ғарб кейинги пайтларда бизнинг Шарқ оҳангларига жуда қизиқиб қолди. Буни кўпгина машҳур ижрочилар ижодида кузатяпман. Улар нечун Шарқ мусиқасига ўзларида эҳтиёж сезишяпти? Бунинг жавоби битта: Шарққа интилиш доимо ўзини оқлаган. Бизнинг халқларимиз санъати ўзининг кечаги ва эртанги куни билан довруғ таратган.

Ўзим асли санъаткор бўлсамда, бугун давлат ишлари билан бандман. Ижод билан жиддий шуғулланишга имкон йўқ. Аммо ҳар куни санъат ичидаман. Усиз яшолмайман. Яна бир томони, ЮНЕСКО томонидан тасдиқланган «Турк-сой» халқаро ташкилотини бошқаряпман. Жуда кўп туркий давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон билан ҳам ўзаро алоқаларимиз бор. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларини бизлар ҳам интиқиб кутаяпмиз.

Яна Самарқанд ҳақида сўзлагим келаяпти. Чунки мен бу ерда кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромдан ғоят суюниб, қолаверса, афсонавий халқаро форум ташкил этилганининг гувоҳи бўлиб, чин маънода роҳатландим.

Самарқанд, назаримда, ёшариб кетибди. Муҳими, меъморий обидалар гўё юз йил аввалги қиёфасига қайтгандай. Ўз ўтмиши ва бугуни, эртаси учун қайғураётган мамлакат албатта обод бўлади.

## «ХАЙРЛАШГИМ КЕЛМАЯПТИ»

**Лорей ГРЕЙ, АҚШнинг Сиэтл шаҳридаги ўзбек маданий маркази раҳбари, раққоса, хореограф:**

- Осиё, Европа, Америка, Австралияда ўтказилган қатор халқаро фестивалларда иштирок этганман. Лекин ҳали бу даражада юксак савияда уюштирилган ва ўтказилган фестивални кўрмовдим.

Ташкилотчилар жуда қаттиқ тайёрланишибди. Бу воқеанинг ҳеч иккиланмасдан дунё миқёсидаги халқаро анжуман деб тан олинишига ишончим комил. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар энг муҳим босқичга кўтарилаётган бир пайтда маданият ва одамларнинг руҳиятини кўтариш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам мақтагуликдир. Бу мамлакатда санъат вакиллари ўз ижодий салоҳиятларини тўла-тўкис намоён этаётганликларининг гувоҳи бўлдим.

Дарвоқе, қадим Самарқанддан бир дунё таассуротлар олиб қайтаяпман. Айниқса, фестивалнинг очилиш маросимида қўйилган спектакль бир умр эсимдан чиқмаса керак. Гўё Буюк Ипак йўли ҳамманинг кўз ўнгида қайта жонлангандай бўлди. Воқеага режиссёрларнинг, ижрочиларнинг замонавий ёндашуви, мусиқа ва хореографиянинг узвийлиги ҳар қандай томошабинни ҳайратга солади. Бу миллий анъаналарнинг, ўзбек мусиқаси ва театрининг дунёвий аҳамият касб этишини исботлайди.

Албатта, дунё халқлари ўртасида воситачилик вазифасини ўтаётган ҳамкасбларим билан фахрланаман ва биз камтарона меҳнатимиз билан мамлакатлараро олиб борилаётган дўстлик алоқаларига ҳисса қўшаётганимиздан хурсандман.

Йўқ, Самарқанд билан хайрлашгим келмаяпти. «Шарқ тароналари» энди бошланди. Унга бутун жаҳон жўр бўлади ҳали!

## Симара ИМОНОВА: ЎЗБЕКИСТОНДА «ШАРҚ БУЛБУЛИ» БЎЛДИМ



**-- Симарахоним, мана, Сиз фестивалнинг бош соврини -- Гран-прини қўлга киритдингиз. Шундай бўлишини ўзингиз олдиндан сезганмидингиз?**

-- Нималар деяпсиз! Бундай бўлишини хаёл қилиш уёқда турсин, фестивалда қатнашиб, шундай улкан саҳнада илк бор қўшиқ ижро этишимнинг ўзи мен учун ниҳоятда ҳаяжонли кечганди. Ҳакамлар ҳайъатининг фестиваль олий мукофотини менга бериш ҳақидаги қарорини эшитгач, рости, дастлаб қулоқларимга ишонмадим. Ахир, кўҳна Шарқ санъатининг бугунги кундаги энг моҳир ижрочилари йиғилган ушбу мусиқа байрамида ғолиб бўлиш осонми?

**-- Ўзбекистонлик санъат шинавандалари Сизнинг қўшиқларингизни қандай кутиб олишди?**

-- Биласизми, фестиваль дастурига биноан, биз Регистон майдонида бўлиб ўтган танлов намойишидан ташқари Самарқанд шаҳридаги бошқа яна бир қанча саҳналарда ҳам чиқишлар қилган эдик. Ана шундай кезларда ашуламнинг ҳар бир авжида одамлар мени қарсаклар билан олқишлаб туришди. Ҳатто қўшиқ тугагач, улар мендан яна куйлашимни илтимос қилишди. Эндигина санъат остонасига кириб келаётган ёш қиз учун бу ниҳоятда сурурли эди. Аслида, бир-бирига қондош бўлган ўзбек ва озарбайжон халқлари классик санъатининг ҳам ўзаро уйғун жиҳатлари, ҳамоҳанг томонлари бисёр. Шунинг учун ҳам менинг қўшиқларим уларнинг кўнгилларига яқин эканлигини сезиб турардим. Шахсан ўзим Муножат опанинг ашулаларини сел бўлиб тингладим, ундан кўп нарсаларни ўргандим.

**-- Фестиваль иштирокчиларидан қай бирларининг ижроси Сизни мафтун этди?**

-- Бу ерда янграган куй-қўшиқларнинг барчаси жозибали ва кўнгилларга яқин. Гарчи чолғу асбоблари ранг-баранг, ижро услублари турлича бўлса-да, бироқ улардан таралган оҳанглар қалбингиздаги энг нозик туйғуларни чертиб ўтади. Бу мусиқанинг, санъатнинг беқиёс қудратидир. Тўғрисини айтадиган бўлсам, улар орасида ўзбек чолғулари жўрлигида ижро этилган миллий классик куйлар менда кучли таассурот уйғотди. Айниқса, улардан бири ғижжакни шунақа маҳорат билан чалдики, беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Балки бу ўринда ҳам бизнинг санъатимиздаги муштаракликлар менинг ўзбек куй-қўшиқларини чуқур идрок этишимга ёрдам бергандир...

**-- Бунчалик талант ва маҳоратга қандай эришгансиз-а?**

-- (Кулади) Агар чиндан ҳам сиз айтгандай бўлса, буларнинг барчасига устозларим туфайли эришаяпман, деб ўйлайман. Озарбайжон халқининг севимли санъаткорлари Замиг Алиев, Адолат Везиров, Охунжон Алиевлардан бир умр миннатдорман. Негаки, улар бўлмаганида, балки мен санъат соҳасига кириб келмаган бўлардим. Ўзимча қўшиқлар куйлаб юрганимда, ана шу кишиларнинг менга назари тушиб қолиб, ўз сафларига олишди.

**-- Демак, Сиз асосан классик қўшиқларни ижро этар экансиз-да?**

-- Шундай. Айни пайтда бадиий жамоамиз билан биргаликда озарбайжон классик мақомларини тайёрлаб, мухлислар эътиборига ҳавола қилаяпмиз. Шу ўринда айтиб қўяй: бутун дунёга машҳур бўлган истеъдодли озарбайжон хонандаси Зайнаб Хонларова ишлаган бадиий жамоада меҳнат қилиб, унинг изидан бораётганимдан бениҳоя бахтиёрман.

**-- Имкони бўлса, ўзбек классик қўшиқларини ҳам куйлармидингиз?**

-- Фестивалнинг дастлабки кунлари мухлислардан бири ҳам ана шундай савол берган эди. Биласизми, мен эндигина катта санъатга кириб келаяпман. Шу боис ҳали ижодий репертуаримни нафақат озарбайжон, балки бошқа халқлар санъати намуналари билан ҳам бойитишим керак. Жумладан, ўзбек классик қўшиқларини ўрганишни ҳам ният қилганман. Албатта, сизларнинг катта ашулаларингизнинг ижро усули анча мураккаб ва кишидан кучли маҳорат талаб этади. Лекин бунинг ҳам уддасидан чиқа оламан, деб ўйлайман.

**-- Фестиваль Сизда қандай таассурот қолдирди?**

-- Чўх гўзал фестиваль бўлди. Биз ҳаммамиз Самарқанддан олам-олам таассуротлар, ажиб хотиралар билан қайтаяпмиз. Худо хоҳласа, роппа-роса икки йилдан сўнг бу муқаддас заминда яна юз кўришажакмиз, иншооллоҳ.

Ўзбек халқига Азарбайжанли мусиқачи Simara Imanova 7.09.97

## БИЗ СЕНИ ИНТИҚ КУТАМИЗ, ФЕСТИВАЛЬ!

**Шазия ХУШК, хонанда (Покистон):**

-- Фестивалга келаётганимда, дастлаб ўзбекистонлик санъат шинавандалари қўшиқларимни қандай кутиб олишаркин, деган ўй менга сира тинчлик бермаганди. Ахир, бу ўлкада классик ва замонавий санъат ҳам юксак даражада тараққий этган, одамлар эса уни чуқур идрок этишини яхши билардим-да. Шундай бўлгач, уларнинг олқишини олиш осонми? Йўқ, ҳайтовур, андишаларим ўринсиз экан. Ўзбек халқи мени ҳам чиқишларимни алоҳида эътибор билан кутиб олди. Ҳатто бутун қўшиқ давомида қарсаклар билан жўр бўлиб туришди. Бундан эса кўнглим тоғдай юксалди. Ҳа, ўзбек эли чиндан ҳам санъатсевар халқ экан. Улар қайси миллат ёки элатникилигидан қатъи назар, ҳар қандай санъатни чексиз қадрлар эканлар. Ўзи аслида, санъатнинг миллати бўлмайди. У том маънода, башарият мулкидир.

**А. САМОЖИКОВ, ижрочи (Россия):**

-- Биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига Ҳакасия ўлкасидан келдик. Биласизки, ҳакаслар ҳам улуғ турк миллатининг бир бўғини саналади. Ўзбеклар билан бизнинг тилимиз ҳам, дилимиз ҳам бир. Мана, масалан, Самарқандда мен ҳакасча сўзласам, ўзбеклар тушунишаяпти, уларнинг гапларини мен англаяпман. Хуллас, қондошлик риштaлари бизларни ҳамиша бир-биримиз билан боғлаб турибди.

Самарқандда ўтказилган бундай улкан мусиқа фестивалида иштирок этганимдан беҳад бахтиёрман. Бу ердаги ажойиб мулоқотлар, Шарқ халқлари санъати билан яқиндан танишувлар, ўзбекона самимият ва меҳмондўстликлар хотирамда бир умр сақланиб қолажак. Бахтиёрлигимнинг яна бир боиси, мен ижро этган қўшиқ жаҳоннинг ўттиздан зиёд давлатларидан келган санъаткорлар иштирок этган ушбу нуфузли фестивалда учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Буни бизнинг миллий мусиқа санъатимизга берилган юксак баҳо, деб биламан.

**Сабина ЯСМИН, хонанда (Бангладеш):**

-- Самарқандда ташкил этилган бундай улкан мусиқа байрамига фақат ҳавас қилиш мумкин. Чунки шу чоққача бошқа ҳеч бир жойда, бутун Шарқ халқлари санъаткорларини тўплаб, улкан анжуман ўтказишга ҳаракат қилинмаган эди. Лекин сизларнинг мамлакатингизда шундай улуғ ишга қўл урилди. Бунга шахсан давлатингиз раҳбарининг ўзи бошқош бўлганлиги янада қувонарлидир. Қайсики юртда ҳукумат раҳбарлари маданият ва санъат тараққиётига кучли эътибор бераётган экан, албатта унинг келажаги порлоқ бўлади.

Мен Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрдим. Бироқ у ўзининг гўзаллиги, мафтункорлиги билан ром этди. Айниқса, меҳмондўст ўзбек халқи бизни меҳр билан қарши олганини айтиб ўтмасам бўлмас. Самарқанд -- жуда гўзал шаҳар экан. Ҳавоси ниҳоятда мусаффо. Бу кўҳна кент ўз бағрида авайлаб-асраб келаётган нодир тарихий обидаларни кўздан кечирарканман, халқингизнинг буюк тарихи кўз ўнгимда жонлангандай бўлди. Умуман, фестиваль баҳонасида биз дунёнинг турли чеккаларидан ташриф буюрган санъаткорлар ижоди билан яқиндан танишдик, ўзаро мулоқотда бўлдик. Бу эса ҳар биримиз учун ҳам ниҳоятда фойдалидир. Шу маънода, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали кўнгилларимизнинг тўридан жой олиб улгурди. Биз унинг кейинги анжуманларини ҳам интиқлик билан кутамиз!

*Саҳифани «Халқ сўзи» мухбирлари Норқобил ЖАЛИЛ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД ва Юсуфжон ҲАМИДОВлар тайёрлашди.*

